

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ХУДАЙБЕРДИЕВА НОДИРА АБДУЯКУБОВНА

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА ПЕДАГОГ КАДРЛАР
ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ-2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педогогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical
sciences**

Худайбердиева Нодира Абдуякубовна

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимини
такомиллаштириш..... 3

Худайбердиева Нодира Абдуякубовна

Совершенствование системы подготовки педагогических кадров в сфере
физического воспитания и спорта..... 23

Xudayberdieva Nodira Abduyakubovna

Improving of the system of training pedagogical personnel in the field of
physical education and sports..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ХУДАЙБЕРДИЕВА НОДИРА АБДУЯКУБОВНА

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА ПЕДАГОГ КАДРЛАР
ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2016.2. PhD/Ped368 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.
Диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzdjtsu.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Халмухамедов Рустам Деканович**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Тажибаев Сойиб Самижонович**
педагогика фанлари доктори, доцент

Рахимов Владимир Шавкатович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-37-717-17 79, 717-27-27, факс:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu.uz Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети А биноси, 1 қават, 114-аудитория.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси)

М.Р. Болтабаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х. Миржамолов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д

Б.Б. Мусаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, п.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Барча соҳаларда олий тоифадаги мутахассис кадрларнинг етишмаслиги ҳозирда глобал муаммо сифатидаги эътиборга молик масалалардан биридир. Бугунги кунда жаҳон миқёсида ривожланган давлатларда хусусан, АҚШ, Канада ва Европа давлатларида жисмоний тарбия ва спорт таълим тизимининг ривожланиши ҳамда улар эришаётган ютуқларини эталон сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Шу боис, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагогик кадрлар тайёрлаш масаласини тубдан ҳал этиш, соҳада кадрлар тайёрлашда сифатли таълим хизматларини кўрсатиш, спортда юқори натижаларни таъминловчи малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш каби муҳим масалаларни ҳал этишни талаб этмоқда.

Дунёда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга йўналтирилган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мавжуд илмий адабиётларнинг таҳлилий шарҳи, жисмоний тарбия ва спортга доир фанларни ўқитишга қаратилган назарий ва амалий асослари, педогог кадрларни жисмоний тайёргарлиги бўйича қўшимча машғулотларни киритиш, кадрлар тайёрлашда педагогнинг замонавий ёндашуви ва касбий маҳорати орқали ўқув жараёни самарадорлигини ошириш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар таъминоти ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда педагог кадрлар тайёрлаш масалалари билан боғлиқ муаммоларга бағишланган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш» долзарб масалалардан ҳисобланади¹. Шиддат билан ривожланиб бораётган мамлакатларда ҳам маълум бир соҳаларда олий тоифадаги мутахассис кадрларнинг етишмаслиги ҳозирда асосий муаммолардан биридир. Бу каби муаммолар мамлакатимизда ҳам аста-секинлик билан ўз ечимини топмоқда. Барча йўналишдаги мутахассис кадрларни етиштириб беришда ҳар доим ҳам педагоглар асосий ролни бажариб келмоқдалар. Педагоглар жамоаси бевосита етишиб чиқаётган ёш мутахассисларни тайёрлашда, уларга билим ва кўникмаларни шакллантиришда энг асосий маъсулиятли касб эгалари ҳисобланадилар. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт таълим тизимини янада ривожлантириш, соҳада сифатли таълим хизматларини кўрсатиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони. Халқ сўзи газетаси. 08.02.2017.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 15 февралдаги ПФ-4956-сонли «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ПҚ-2779-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сонли «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устивор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълим тизимини ривожлантириш стратегиясининг устивор йўналишига мувофиқ истиқболда жисмоний тарбия ва спорт таълими муассасаларида педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни ортиб бораётганлиги соҳа мутахассислари томонидан эътироф этилган. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мутахассис кадрларни тайёрлашнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ этишга оид илмий изланишлар хорижлик олимлар, жумладан, В.И.Уткин, В.А.Сальников, Е.В.Бондаренко, Л.П.Матвеев, мамлакатимиз олимларидан Н.Т.Тўхтабоев ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.²

Жисмоний тарбия ва спортни ташкил этиш соҳасида И.И.Переверзин, В.И.Жолдак, О.Н.Степанова, К.Д.Ярашев, М.С.Ахматов ҳамда бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.³ Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур

²В.И.Уткин Спортивно-ориентированная направленность в системе физического воспитания студентов / В.И.Уткин, Е.М.Ревенко, В.А.Сальников// Физическая культура: воспитание, образование, тренировка. – 2010. – № 5.53 – 58с; В.А.Сальников Возрастные и индивидуальные особенности физического развития на различных этапах спортивного совершенствования: дис.д-ра пед.наук / В.А.Сальников – СПб. 1994.– 406 с.; Е.В.Бондаренко Влияние двигательной активности на развитие психомоторных и познавательных способностей школьников: дис.канд.психол. наук/. Е.В.Бондаренко. Ставрополь, 2003.–255 с.; В.А.Сальников. Возрастное и индивидуальное в структуре спортивной деятельности: монография/ В.А.Сальников.– Омск: Изд-во СибАДИ, 2000.–160 с.; Л.П.Матвеев. Общая теория спорта: учебник для завершающего уровня выш. физкульт. образования / Л.П.Матвеев. – М., 1997. – 304 с. Н.Т.Тўхтабоев. Жисмоний тарбия мутахассисларининг касбий маҳоратини ривожлантиришга ташкилий-педагогик ёндашув. п.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати Т.: 2011, 24 б.

³И.И.Переверзин. Менеджмент спортивной организации: учебное пособие.–М.: «Физкультура и спорт», 2006. – 464 с.; В.И.Жолдак, С.Г.Сейранов Менеджмент физической культуры и спорта. М.: Изд-во «Физическая культура», 2006. – 372 с.; О.Н.Степанова. Маркетинг в сфере физической культуры и спорта. – М. Прометей, 2003.–280 с. К.Д.Ярашев. Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш. Дарслик.-Т. 2002.;

ишнинг долзарблиги айнан жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасига доир мамлакатимиз ва хорижий илмий адабиётларнинг таҳлили ҳамда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ҳудудларда спорт объектларининг барпо этилиши ва соҳада турли спорт хизматларининг ортиши натижасида педагог кадрлар билан таъминлаш масаласи амалда ўз ечимини топмаган ҳамда бу борада етарлича тадқиқотлар олиб борилмаганлигидан далолат беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида «Бозор иқтисодиёти, давлат ва ҳуқуқ назарияси» йўналишидаги ЁА-1-008 «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тизимини бошқаришда инновацион фаолиятни ривожлантириш механизминини ишлаб чиқиш ва монография чоп этиш» мавзусидаги ёш олимлар илмий-амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимининг ташкилий-услубий асосларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлашни ташкил этишга тизимли ёндашувнинг ташкилий-услубий асослари ва амалиётдаги ҳолатини аниқлаш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришни босқичма-босқич амалга оширилишини таҳлил қилиш;

педагог кадрлар тайёрлашда спорт-кластерини шакллантириш асосида жисмоний тарбия ва спорт соҳасига таъсирини аниқлаш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш ва уларнинг касбий тайёргарлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этишнинг ташкилий-услубий асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган педагогик жараёнлар белгиланди.

Тадқиқотнинг предмети жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий-услубий асослари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, социологик тадқиқотлар,

педагогик кузатиш, педагогик тажрибалар, эконометрик ва математик-статистик таҳлил усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлашни ташкил этишга тизимли ёндашув (ислохотлар даврида соҳада педагогик кадрлар тайёрлаш босқичларининг ташкилий-услубий фаолиятининг таҳлилий ва тадқиқий хусусиятлари) илмий асосланган;

жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги педагог кадрларни олий таълим муассасаларининг маълум бир спорт тури бўйича мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимининг ўзига хос босқичлари (худудий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда) ишлаб чиқилган;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагогик кадрлар тайёрлаш фаолиятини самарали ташкил этишнинг спорт-кластер (фан, таълим ва тижоратлаштириш (Университет 3.0) яъни жисмоний тарбия ва спорт соҳасида эришилаётган ютуқларни амалиётга тадбиқ қилиш ҳамда спорт инфратузилмасини шакллантириш орқали соҳани тубдан ривожлантиришга эришиш) ни амалиётга тадбиқ этиш услубияти асосланган;

жисмоний тарбия ва спорт тизимидаги спорт таълими муассасаларида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг касбий тайёргарлигини баҳолашга йўналтирилган мезонларини жорий этиш йўллари эконометрик башоратлаш методикаси орқали модернизация қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат.

Тадқиқотдан олинган натижалар жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш фаолиятининг назарияси ва услубиятини муҳимдаражада тўлдиради. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлашга ихтисослашган таълим муассасалари фаолиятининг илмий ва услубий жиҳатдан ривожланишига имкон берувчи ҳамда ўқув жараёнига ва ўқув дастурларига тузатишлар киритиш зарурлиги исботланган.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагогик кадрлар тайёрлаш фаолияти тизимида спорт-кластерини жорий этиш услубияти тажрибада асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ўқув, илмий ва кабинет усулларидадан фойдаланган ҳолда, статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, тадқиқот маълумотлари мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги, хизмат кўрсатиш соҳасига жорий қилинганлиги ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий ва амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва маҳаллий журналларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишонччилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлашнинг назарий ва услубий асосларини тўлдиради. Жисмоний тарбия

ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлашга ихтисослашган таълим муассасаларининг ўқув жараёнида ўқув дастурларига ўзгартиришлар киритиш зарурати исботланган.

Тажриба тадқиқотлари шундан далолат берадики жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлари ва мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш мақсадлари учун фойдаланишда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлашни ташкил этишга тизимли ёндашув асосида ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш маркази тингловчилари учун жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 26 декабрдаги 03-08-08-1122-сонли маълумотномаси). Натижада педагог кадрларнинг соҳадаги фаоллиги 10-15 фоизга ошган;

жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги олий таълим муассасаларининг спорт турлари бўйича педагог кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда мутахассис-кадрлар тайёрлаш тизимининг ўзига хос босқичларини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялари жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 26 декабрдаги 03-08-08-1122-сон маълумотномаси). Натижада, жисмоний тарбия ва спорт тизимидаги таълим муассасаларида педагог кадрлар тайёрлаш жараёнининг соҳадаги фаоллиги 20-25 фоиз ортган;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш фаолиятини самарали ташкил этишнинг спорт-кластер (фан, таълим ва тижоратлаштириш (Университет 3.0), яъни жисмоний тарбия ва спорт соҳасида эришилаётган ютуқларни амалиётга тадбиқ қилиш ҳамда спорт инфратузилмасини шакллантириш орқали соҳани тубдан ривожлантиришга эришиш) борасидаги тавсиялари жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 26 декабрдаги 03-08-08-1122-сон маълумотномаси). Натижада жисмоний тарбия ва спорт соҳасида спорт кластери фаолиятини ташкил этилиши таълим ва хизмат кўрсатиш муассасалари ўртасидаги ижобий муҳитни таъминлаш 15-20 фоизга ошган;

жисмоний тарбия ва спорт тизимидаги спорт таълими муассасаларида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг касбий тайёргарлигини баҳолашга йўналтирилган мезонлари ишлаб чиқилиб, кадрлар сифатини ошириш учун таклиф ва тавсиялар, ўқув дастурларига ўзгартиришлар киритиш асосида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 26 декабрдаги 03-08-08-1122-сон маълумотномаси).

Натижада, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг касбий тайёргарлигини баҳолаш даражаси 15-20 фоизга ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та республика ва 9 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан монография, 5 та илмий мақола (4 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган бўлиб, уларнинг 5 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосида илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, амалий тавсиялари, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг ҳажми 136 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимини ривожланишининг илмий-назарий асослари**» биринчи бобида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимини самарали ташкил этишнинг илмий ва услубий асослари ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва тамойиллари назарий жиҳатдан баҳоланган.

Таълимий ислохотларнинг самарали амалга оширилиши бевосита жамият ҳаётини тубдан ўзгаришига, аҳолининг турмуш тарзи ва фаровонлигининг ортишига, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни яхшиланиб боришига хизмат қилади. Мамлакатимиз тараққиётини белгилаб берадиган мутахассис кадрларни тайёрлаш ва уларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтиришда педагог кадрларнинг самарали меҳнати талаб қилинади. Бироқ, бугунги кунда олий таълим муассасаларида педагог кадрлар тизимини ташкил этиш услубларини кенг жорий этиш долзарб масалалардан биридир.

Илмий тадқиқотимиз асосан жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тизимини ташкил этишнинг назарий-услубий асосларини ўрганишга ҳамда бу борада назарий жиҳатдан илмий қарашларни янада ривожлантиришга қаратилган.

Соҳага доир илмий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг мамлакатимиз равнақи йўлида ҳамда республикамизнинг дунёга танитишдаги ўрни ҳам ортиб бормоқда. Шу жиҳатдан айнан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тизимини фаолиятини кенг тарғиб қилиш кўплаб соҳа олимлари ва тадқиқотчиларининг диққат марказида бўлиб келган ва ҳали-ҳануз мунозарали, шу билан бирга чуқур ўрганилмаган масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Аммо, биз илмий тадқиқотнинг мақсади ва вазифларидан келиб чиққан ҳолда айнан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш фаолиятини шаклланиш жараёнларини тадқиқ қилишга ҳаракат қиламиз.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида, шунингдек, барча соҳа ва тармоқ ташкилотларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда спорт-мутахассисларни етказиб беришда педагог кадрларнинг аҳамияти бекиёс. Бироқ, спортчи-мутахассисларни тайёрлашнинг сифатини яхшилаш, муаммоларни аниқлаш, уларга бўлган талаб ва эҳтиёжни аниқлаш, маҳаллий ва хорижий тажрибаларни умумлаштириш, ўтган ва бугунги кундаги жараёнларни таҳлилий нуқтаи-назардан таққослаш, янгича ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш, соҳага раҳбарлик қилиш, соҳа учун етук кадрлар тайёрлаш, ўқув-малакаларини замон талаблари асосида ошириб бориш муҳим муаммолардан биридир.

Фикримизча, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида айнан бугунги кундаги катта муаммолардан бири малакали педагог кадрлар етишмаслиги, шунингдек, кадрлар кўнимсизлиги ва уларни бошқарув соҳасига доир билим ва кўникмаларининг етишмаслиги ҳамда ташкил этишга доир маъмурий-ташкилий, молиявий, ижтимоий-иқтисодий ва меъёрий-ҳуқуқий билим савияларининг пастлиги натижасида соҳа доирасида бошқариш ва соҳани ривожлантириш кутилган самара бермаяпти.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тизимини ташкил этишга хос бўлган омиллар, айнан жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этишни турли усул, механизм ва дастаклар орқали давлат томонидан ишлаб чиқилган ва белгиланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабига асосланиб жисмоний тарбия ва спорт муассасалари раҳбарлари томонидан тартибга солиш ва самарали бошқариш объектив заруратга айлантиради.

Тадқиқотимизда бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тизимини ташкил этишдаги асосий тамойиллар сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин: педагог кадрлар тизимини меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш; педагог кадрларни ҳуқуқий ҳимоялаш ва уларнинг манфаатларини кафолатлаш; педагог кадрлар сифатини назорат қилиш; педагог кадрлар билим савиясини доимий ошириб бориш; педагог кадрларни

фаолиятига кўра табақалаштирилган ҳолда рағбатлантириб бориш; иш берувчилар томонидан педагог кадрларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлаш; педагог кадрлар учун ахборот-маслаҳат марказларини шакллантириш; педагог кадрлар учун психологик маслаҳат марказ фаолиятини шакллантириш; ДТС талабларидан келиб чиқиб педагог кадрларни ташқи аттестациялашдан ички аттестациялашга тўлиқ ўтиш, ҳар бир педагог кадрнинг истиқболли йўл харитасини ишлаб чиқиш.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимидаги бу тамойилларни кенг тадбиқ этилиши жойларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини барқарор ривожлантиришга хизмат қилади.

Бевосита жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагогик кадрлар тайёрлаш тизими модели келтирилган бўлиб унга кўра, дастлабки босқичда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлашни шакллантириш мақсад қилиб қуйилган бўлса, таҳлилий босқичда соҳада педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш ҳолатини таҳлил қилиш белгиланган, натижа босқичида эса тадқиқот якунида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш фаолиятини ривожлантириш масалалари белгилаб берилган.

Бугунги кунда таълим соҳасида педагогик кадрлар тайёрлаш фаолиятида бошқарув фаолиятни шакллантирмасдан туриб ижобий натижага эришиб бўлмайди. Дарҳақиқат, юқоридаги муаллифларнинг фикрларига кўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, педагог томонидан амалга ошириладиган таълимий инновацияларни жорий қилиш асосида таълим сифатини оширишга, ёшларнинг таълим ва тарбиясига ижобий таъсир қилиши билан бирга педагогнинг таълимдаги ролини ривожланишига хизмат қилади. Бизнинг назаримизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимини бошқариш тамойилларни қўллаш соҳани барқарор ривожлантиришга ижобий ёрдам беради.

Шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимида раҳбарларнинг ўзлари ташаббус кўрсатган ҳолда кадрлар билан биргаликда ёндашиш, ташкил этилган лабораторияларда ишлашни ташкил этиш, жараёни кузатиш, баҳолаш, иш жараёнидаги камчиликларни аниқлаш ва хулоса чиқариш ҳамда илмий-тадқиқот фаолиятда иштирок этаётган педагог кадрларни мунтазам рағбатлантириш механизминини такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг «Тадқиқотнинг методлари ва ташкил қилиниши» иккинчи бобида тадқиқот вазифалари белгиланган бўлиб, унга кўра, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимини самарали бошқариш жараёнини ривожлантириш муаммосини таҳлил қилиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимини бошқариш фаолиятни тадбиқ қилиш ҳолатини комплекс ҳамда тизимли ёндашган ҳолда таҳлил қилиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрларни бошқариш фаолиятини ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни эксперимент услубияти асосида вазиятни баҳолаш, тадқиқот


натижаларини жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрларни самарали бошқариш амалиётига жорий этиш бўйича илмий-амалий методик тавсиялар ишлаб чиқиш белгиланган.

Тадқиқот методларида тадқиқот олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун қуйидаги методлардан фойдаланилди: назарий тадқиқотнинг назарий ва эмпирик тадқиқот методлари мажмуидан, жумладан, тадқиқот муаммосига илмий ва методик адабиётларни таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш; танлаб олинган объект бўйича педагогик кузатувлар; эксперт баҳолаш бўйича анкета сўрови ўтказиш; педагогик тажриба; соҳага доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили; тадқиқотнинг ташкил қилиниши; статистик маълумотларни гуруҳлаш ишлари амалга оширилган.

Диссертациянинг «**Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизими ҳолати таҳлили**» учинчи бобида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимидаги ислохотлар ва педагог кадрлар тайёрлаш босқичлари ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар фаолияти ҳолати таҳлил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да “Болалар спортининг оммавийлигини ошириш ҳамда мусиқа ва санъат таълимини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, 251 та умумтаълим мактаби, 12 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабида спорт залларини қуриш, 9 та ёпиқ сузиш хавзасини қуриш ва 2 тасини реконструкция қилиш” ишларини амалга ошириш таъкидлаб ўтилган.

Бугунги кунда республикада жисмоний тарбия ва спорт соҳаси мутахассис педагог кадрларга бўлган эҳтиёж катта. Деярли, барча вилоятларда педагогика институтлари ва университетларида жисмоний тарбия факультетлари фаолият юритиб келмоқда ҳамда тайёрланаётган кадрлар бевосита жойлардаги мактабгача таълим муассасаларида, умумтаълим мактабларида, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва турли спортга ихтисослашган мактаб ва спорт коллежларида педагог-мураббий ҳамда спорт услубиётчиси лавозимларида фаолият юритиб келмоқда.




1-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича спорт-таълим муассасалари мураббийлар таркиби динамикаси таҳлили

Долзарб масалалардан бири сифатида эътироф этиш жоизки, ҳар бир ҳудуддаги ёшларнинг спорт турларига бўлган талабини ўрганган ҳолда спорт объектларини спорт соҳасидаги кадрлар билан таъминлаш ва бу борада доимий равишда мониторинг ишларини ташкил этиш масаласи ҳали ўз ечимини топганича йўқ (1-расмга қаранг).

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2018 йил ҳолати бўйича таҳлилий ўрганганимизда 2015 йилга нисбатан спорт-таълим муассасалари мураббийлар сони 1470 тага кўпайган, буни эса ижобий ҳолат деб баҳолаш мумкин, шунингдек, тизимдаги аёл спортчи мураббийлар сони 2018 йилни 2015 йилга нисбатан таққослайдиган бўлсак 353 тага ортганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Республика бўйича спорт-таълим муассасалари мураббийларнинг соҳага доир маълумотларига таҳлилий ёндашадиган бўлсак, 2015 йилда жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида фаолият юритувчи жами мураббийлар сони 10612 тани ташкил этган бўлса, шундан, олий маълумотга эга педагог-мураббийлар сони 5045 тани ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб, жами мураббийлар сони 10365 тани ташкил этган ҳолда ўтган йилга нисбатан 247 тага камайган, олий маълумотга эга педагог-мураббийлар сони 5075 тага етган ҳолда 2016 йилни 2015 йилга нисбатан таққослайдиган бўлсак 30 тага ортган. 2018 йилда жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида фаолият юритувчи жами мураббийлар сони 10508 тани ташкил этган бўлиб, 2015 йилга нисбатан 104 тага камайган, олий маълумотли педагог-мураббийлар сони жорий йилда 4555 тани ташкил этган ҳолда 2017 йилга нисбатан 224 тага, 2015 йилга нисбатан 490 тага камайиши кузатилмоқда.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича спорт-таълим муассасалари раҳбарлари ва мутахассис кадрларнинг тақсимланиш таҳлили

Дарҳақиқат, бугунги кунда республикада жисмоний тарбия ва спорт соҳаси мутахассис педагог кадрларга бўлган эҳтиёж катта. Деярли, барча вилоятларда педагогика институтлари ва университетларида жисмоний тарбия факультетлари фаолият юритиб келмоқда ҳамда тайёрланаётган

кадрлар бевосита жойлардаги мактабгача таълим муассасаларида, умум таълим мактабларида, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва турли спортга ихтисослашган мактаб ва спорт коллежларида педагог-мураббий ҳамда спорт услубиётчиси лавозимларида фаолият юритиб келмоқда.

Долзарб масалалардан бири сифатида эътироф этиш жоизки, ҳар бир ҳудуддаги ёшларнинг спорт турларига бўлган талабини ўрганган ҳолда спорт объектларини спорт соҳасидаги кадрлар билан таъминлаш ва бу борада доимий равишда мониторинг ишларини ташкил этиш масаласи ҳали ўз ечимини топганича йўқ.

Республикамызда мавжуд спорт мактабларининг кадрлар таъминоти ҳолатини таҳлилий ўрганганимызда 2015 йилда спорт мактабларининг раҳбар ва мутахассислари сони 3432 тани ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб 2681 тани ташкил этган ҳолда 2015 йилга нисбатан 801 тага камайган. Ўзбекистон Республикаси бўйича спорт-таълим муассасалари раҳбарлари ва мутахассис кадрларнинг тақсимланиш ҳолатини таҳлилий кўрадиган бўлсак, 2015 йилда 3432 тани ташкил этган бўлса, унинг асосий таркибида услубчилар 35,9 фоизни ташкил этса, тиббий ходимлар улуши 28,6 фоизни ташкил этади (2-расмга қаранг).

Худудлар бўйича спорт таълими муассасалари раҳбар кадрлар ва мутахассислар таъминоти ҳолатини таҳлилий нуқтаи назардан кўрадиган бўлсак, 2015 йилда жами раҳбар кадрлар ва мутахассислар сони 3432 тани ташкил этган ҳолда олий маълумотлардан жисмоний тарбия маълумотига эга бўлганлар улуши 78,9 фоизни яъни 1950 тани ташкил этади.

Диссертациянинг «**Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида концептуал ёндашув асосида педагог кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш йўналишлари**» тўртинчи бобида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш ҳолатини эксперимент услубияти асосида баҳолаш учун тажриба-синов олиб бориш мақсадида респондентларни танлаб олишнинг ташкилий-бошқарув сўровнома ўтказиш натижалари ҳамда бошқарувдаги иштирокчиларнинг бошқарув соҳасидаги муносабатларининг қиёсий таҳлили бажарилган ҳамда кўп омилли, корреляцион ҳамда регрессион таҳлиллар амалга оширилган ва прогнозлар ишлаб чиқилган.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида педагог кадрлар фаолиятига таъсир этувчи жараёнларни тизимли ташкил этишга оид муаммоларни бартараф этиш, соҳада фаолият юритаётган педагог кадрларнинг салоҳият даражасини баҳолаш ҳамда тизимда бошқариш фаолияти самарадорлиги ўзига хос омиллар таъсирида амалга оширилиши мумкин.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида педагог кадрлар фаолиятига таъсир этувчи омиллар қаторига сиёсий-ҳуқуқий омилларни келтириб ўтиш ўринлидир, шунингдек, соҳани ривожлантиришда қонунчиликнинг мавжудлиги ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг соҳа ривожига тўғри тадбиқ этилганлик даражасига бевосита боғлиқ (1-жадвалга қаранг).

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида педагог кадрларнинг фаолиятини баҳолаш мезони

Даража	Баҳолаш мезони	Педагог кадрларнинг фаолиятини баҳолаш жараёнининг тавсифи
I	(0-25)	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида педагог кадрларнинг бошқарувдаги аниқ мақсад ва вазифалари белгилаб берилмаган ёки меъеридан ташқари ташкилий ишларнинг юкланиши. Бу борада айнан соҳани бошқаришга доир кўникмаларини ошириш мақсадида уларнинг функционал вазифаларини қайта кўриб чиқиш лозим.
II	(26-50)	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини бошқарув тизими ходимлари меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлардан самарали даражада фойдалана олмаслиги, муаммоларни ҳуқуқий жиҳатдан бартараф қила олмаслиги, бу борада уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш талаб этилади.
III	(51-75)	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини бошқаришда мустақил тарзда бошқариш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш шаклланмаган. Бошқарув тизимида юқорига бўйсуниб сакланиб қолинган. Бу эса мустақил бошқариш ва фаолият ривожига таъсир этмоқда.
IV	(76-100)	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида юқори натижаларга эришадиган кадрларни рағбатлантириш ёки қўллаб-қувватлашни максимал даражада амалга ошириш лозим. Бу эса кадрларни бошқариш тизимидаги муаммоларни бартараф этилишига олиб келади.

Илмий тадқиқотларимиз айнан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида педагог кадрларни бошқаришда фаолиятини ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни эксперимент услубияти асосида баҳолашдан иборат. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрларни бошқариш фаолиятини ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни эксперимент (тажриба-синов) тариқасида вазиятни баҳолаш мақсадида ўз тадқиқотларимизни жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида 2017-2018 йилларда республика спорт таълими муассасаларининг «Раҳбар ва раҳбар ўринбосарлари» курси тингловчилари ўртасида амалга оширилди.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида педагог кадрларнинг бошқарув борасида спорт муассасаларининг 25 та раҳбар ва 150 та раҳбар ўринбосарларининг билим ва тажрибаларини баҳолаш мақсадида эксперимент тадқиқот ўтказилди. Тадқиқотларимиз жараёнида уларнинг билим ва тажрибалари баҳоланди.

Жисмоний тарбия ва спорт таълими муассасаларининг «Раҳбар» ва «Раҳбар ўринбосарлари» курси тингловчиларида тажриба боши ва якунида вазиятни эксперимент баҳолаш асосида уларга соҳани бошқаришга доир сўровномалар ўтказилганда соҳага доир билимларни ўзлаштириш

самарадорлигини кўрсатувчи корреляция коэффициентлари матричаси ва регрессия омиллари аниқланди (2-жадвал).

2–жадвал

Жисмоний тарбия ва спорт таълими муассасаларининг «Раҳбар» ва «Раҳбар ўринбосарлари» курси тингловчиларида тажриба боши ва якунидаги натижалар асосида ўтказилган вазиятни эксперимент баҳолаш асосида муассасани бошқаришнинг ривожланганлик даражаси

№	Кўрсаткичлар	Сони	Ўзлаштириш даражалари сонда ва фоизларда					
			Жавоб берганлар (сони, % да)	Жавоб беришга қийналганлар (сони, % да)	Жавоб беришни истамаганлар (сони, % да)			
«Раҳбар» ходимлар бўйича								
1	Тажриба бошида	25	4	16	12	48	9	36
2	Тажриба якунида	25	15	60	8	32	2	8
«Раҳбар ўринбосарлари» бўйича								
1	Тажриба бошида	150	41	27	60	40	49	33
2	Тажриба якунида	150	105	70	30	20	15	10

Хусусий корреляция коэффициентлари омиллар ўртасида етарли даражада кучли боғланишларни кўрсатмоқда. Директорларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасини бошқариш фаолиятига доир билими (Y) билан бошқаришга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақидаги маълумотга эгаллиги (X1) омили ўртасида ўртача боғланиш ($r_{yx1} = 0,5578$) мавжуд. Директорларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасини бошқариш фаолиятига доир билими (Y) билан соҳани бошқаришда юқори ташкилотнинг аралашуви ёки текширувлар таъсири (X2) омили ўртасида ўртача боғланиш ($r_{yx2} = 0,5623$) мавжуд.

Директорларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасини бошқариш фаолиятига доир билими (Y) билан уларнинг ёши (X3) омили орасида кучли боғланиш ($r_{yx3} = 0,7549$) мавжудлигини кўриш мумкин. Шу билан бирга директорларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасини бошқариш фаолиятига доир билими (Y) билан уларнинг маълумоти (X4) омили орасида ҳам ўртачадан юқори бўлган боғланиш ($r_{yx1} = 0,6742$) мавжудлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари корреляция коэффициентларининг ишончлигини t-Стьюдент мезони орқали текширамыз. Бунинг учун ҳисобланган корреляция коэффициентларининг t-статистикаси ва эҳтимоллигини t-статистиканинг жадвал қийматлари билан таққослаймыз.

Озодлик даражаси $df = 149$, ҳамда $\alpha = 0,05$ ишочлик эҳтимоллигида t-статистиканинг жадвал қиймати $t_{kp} = 1,9759$ га тенг.

